

## **Мавзу: Сайлов тўғрисидаги қонунчилик асослари (маъруза)**

### **Сайлов жараёнининг асосий принциплари**

Сайлов кодекси Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлари сайловларига тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солади ҳамда Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг хоҳиш-иродаси эркин билдирилишини таъминловчи кафолатларни белгилайди.

Юқорида кўрсатилганидек, Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Сайлов кодекси ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатларидан иборатdir.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 22-боби “Сайлов тизими”га бағишлиланган бўлиб, мамлакатимиз сайлов тизимига оид муҳим тамойил ва нормаларни белгилайди.

Хусусан, Конституциямизнинг 128-моддасида Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига ва ҳар бир сайловчи бир овозга эга эканлиги, шунингдек, овоз бериш ҳуқуқи, ўз хоҳиш иродасини билдириш тенглиги ва эркинлиги кафолатланган.

Бундан ташқари, ушбу моддада сайлов ҳуқуқининг муҳим принциплари мустаҳкамланган бўлиб, сайлов жараёнларини ҳалқаро сайлов стандартлари асосида очиқ-ошкора ва демократик тарзда ўтказишга имкон беради.

### **Ўзбекистон Республикасида сайлов ўтказишнинг асосий принциплари:**



**Ўзбекистон Республикасида сайлов ўмумий, тенг, тўғридан-  
тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш орқали  
ўтказилади**

**Сайлов очиқ ва ошкора ўтказилади**

Сайлов ҳуқуқи принципларининг мазмун-моҳиятини қўйидагича изоҳлаш мумкин:

## **Умумий сайлов ҳуқуқи**

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қонунчилик палатаси депутатлари ва маҳаллий Кенгашлар депутатлари сайловлари умумийдир.

Сайлов куни ўн саккиз ёшга тўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари сайлаш ҳуқуқига эгадир.

Фуқаролар жинси, ирқий ва миллий мансублиги, тили, динга муносабати, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеи, маълумоти, машғулотининг тури ва хусусиятидан қатъи назар, тенг сайлов ҳуқуқига эгадир.

## **Тенг сайлов ҳуқуқи**

Сайловда иштирок этувчи ҳар бир фуқаро бир овозга эга бўлади.

Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаролар, шунингдек суд ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар сайланishi мумкин эмас.

Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаролар, шунингдек оғир ва ўта оғир жиноятлар содир этганлик учун суднинг ҳукмига кўра озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар сайловда иштирок этиш ҳуқуқидан фақат қонунга мувофиқ ҳамда суднинг қарори асосида маҳрум этилиши мумкин. Бошқа ҳар қандай ҳолларда фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини тўғридан-тўғри ёки билвосита чеклашга йўл қўйилмайди.



## **Тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи**

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қонунчилик палатаси депутатлари, маҳаллий Кенгашлар депутатлари фуқаролар томонидан бевосита сайланади.

## **Яширин овоз бериш**

Сайловда эркин ва яширин овоз берилади. Сайловчиларнинг хоҳиш-иродасини назорат қилишга йўл қўйилмайди.



Яширин овоз бериш сайловчининг хоҳиш-иродаси устидан ҳар қандай тарзда назорат қилиш имкониятини истисно этадиган тегишли шароитларни яратиш орқали таъминланади.

### **Сайловга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказишни сайлов комиссиялари очиқ ва ошкора амалга ошириш**

Сайлов комиссиялари фуқароларни ўз иши тўғрисида, сайлов округлари, участкалари тузилганлиги ҳақида, сайлов комиссияларининг таркиби, уларнинг жойлашган ери ва иш вақти тўғрисида хабардор этади, сайловчиларнинг рўйхатлари, сайловда иштирок этаётган сиёсий партияларнинг рўйхати билан таниширади, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига, Қонунчилик палатаси депутатлигига, маҳаллий Кенгашлар депутатлигига номзодлар тўғрисидаги, шунингдек овоз бериш ва сайлов якунлари ҳақидаги маълумотларни маълум қиласди.

Оммавий ахборот воситалари сайловга тайёргарликнинг боришини ва сайлов қандай ўтаётганлигини ёритиб боради.

Сайлов комиссияларининг мажлислари очиқ ўтказилади. Сайлов комиссияларининг қарорлари оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади ёки ушбу Кодексда белгиланган тартибда ҳаммага маълум қилинади.

Сайловга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказишга доир барча тадбирларда, шунингдек сайлов куни овоз бериш хоналарида ва овозларни санаб чиқишида Ўзбекистон Республикаси Президентлигига, Қонунчилик палатаси депутатлигига, маҳаллий Кенгашлар депутатлигига номзодлар кўрсатган сиёсий партиялардан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан кузатувчилар, оммавий ахборот воситалари вакиллари, бошқа давлатлардан, халқаро ташкилотлардан кузатувчилар иштирок этиш хуқуқига эга.

### **Сайлов комиссиялари**

#### **Сайлов комиссиялари тизимиға қуйидагилар киради:**

- ✓ Марказий сайлов комиссияси;
- ✓ худудий сайлов комиссиялар;
- ✓ туман ва шаҳар сайлов комиссиялари;
- ✓ халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларига сайлов ўтказиш бўйича округ сайлов комиссиялари;
- ✓ участка сайлов комиссиялари.

Йигирма бир ёшга тўлган, ўрта ёки олий маълумотга, қоида тариқасида, сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш борасида иш тажрибасига эга бўлган, аҳоли ўртасида обрў-эътибор қозонган фуқаролар

худудий, туман, шаҳар сайлов комиссиясининг, округ ва участка сайлов комиссиясининг аъзоси бўлиши мумкин.

Қонунчилик палатаси депутати, маҳаллий Кенгаш депутати, Сенат аъзоси; бошқа сайлов комиссиясининг аъзолари; сиёсий партияларнинг аъзолари ва ваколатли вакиллари; вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимлари ҳамда уларнинг ўринбосарлари; прокуратура органларининг, судларнинг мансабдор шахслари; номзодлар, номзодларнинг яқин қариндошлари ва ишончли вакиллари; номзодларга бевосита бўйсунувчи шахслар; оғир ёки ўта оғир жиноятлар содир этганлиги учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёхуд судланганлиги олиб ташланмаган фуқаролар ҳудудий, туман, шаҳар, округ ва участка сайлов комиссиясининг аъзоси бўлиши мумкин эмас.

### **Сайлов кодексининг 11-моддаси:**

*“Сайлов комиссиялари ва уларнинг аъзолари ўз фаолиятини ҳар қандай давлат органларидан, жамоат бирлашмаларидан ва мансабдор шахслардан мустаҳил ҳолда амалга оширади.*

*Сайлов комиссияларининг фаолиятига аралашишга йўл қўйилмайди ва бундай аралашув қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади”.*

Сайлов комиссиялари ва уларнинг аъзолари ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, ушбу Кодексга ва бошқа қонун ҳужжатларига амал қиласди.

Масалаларни кўриб чиқиши ва қарорлар қабул қилиш сайлов комиссияси томонидан коллегиал тарзда амалга оширилади. Сайлов комиссиялари ўз фаолиятини очиқ ва ошкора амалга оширади. Сайлов комиссияларининг мажлисларида сиёсий партияларнинг, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан, бошқа давлатлардан, халқаро ташкилотлардан кузатувчилар ҳозир бўлиши мумкин.

Сайлов комиссиялари номзодларга, сиёсий партияларга сайлов кампаниясини ўтказиш учун teng шарт-шароитларни, сайловга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш учун ажратилган бюджет маблағларининг адолатли тақсимланишини, овоз беришнинг ва сайлов якунларини чиқаришнинг ҳалол бўлишини таъминлаш юзасидан зарур чоралар кўради.

Зарур бўлган тақдирда, Кодексда белгиланган тартибда сайлов комиссиясининг янги аъзоси сайланади.

Сайлов комиссиясининг мажлиси, агар унда мажлис ўтказилаётган кундаги комиссия аъзолари умумий сонининг камида учдан икки қисми иштирок этаётган бўлса, ваколатли бўлади. Комиссия қарори очиқ овоз бериш орқали комиссия аъзолари умумий сонининг кўпчилик овози билан

қабул қилинади. Қарорга рози бўлмаган комиссия аъзолари алоҳида фикрини баён этишга ҳақли бўлиб, бу фикр ёзма шаклда баённомага илова қилинади. Овозлар teng бўлиб қолган тақдирда, раислик қилувчининг овози ҳал этувчи ҳисобланади.

Сайлов комиссиясининг қарори қуи сайлов комиссиялари, шунингдек, барча давлат органлари, сиёсий партиялар ва бошқа жамоат бирлашмалари, меҳнат жамоалари ва ҳарбий қисмлар, корхоналарнинг, муассасаларнинг ва ташкилотларнинг раҳбарлари ижро этиши учун мажбурийдир.

Давлат органлари ва жамоат бирлашмаларининг органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар сайлов комиссияларига ўз ваколатларини амалга оширишида кўмаклашиши, уларнинг иши учун зарур маълумотларни тақдим этиши шарт.

Давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш учун қеракли бўлган бинолар ва жиҳозларни сайлов комиссиялари ихтиёрига бепул бериб туриши шарт.

Сайлов комиссияси сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ масалалар юзасидан давлат органларига ҳамда жамоат бирлашмаларининг органларига, корхоналарга, муассасаларга, ташкилотларга, мансабдор шахсларга мурожаат қилиш хуқуқига эга, улар қўйилган масалани кўпи билан уч кунлик муддатда кўриб чиқиши ва сайлов комиссиясига жавоб қайтариши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2019 йил 11 сентябрдаги 932-сонли қарори билан “Округ ва участка сайлов комиссияларини таркибини шакллантириш бўйича” Йўриқнома тасдиқланган.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2019 йил 23 июлдаги 924-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссияларининг фаолияти тартиби тўғрисида”ги Низом (2-илова) сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссияларининг фаолиятини тартибга солади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2019 йил 23 июлдаги 924-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов ўтказувчи участка сайлов комиссияларининг фаолияти тартиби тўғрисида”ги Низом (3-илова) сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича участка сайлов комиссиялари фаолиятини ва сайловчиларни рўйхатини шакллантириш тартибини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Давлат персоналлаштириш марказида Сайловчиларнинг ягона электрон рўйхатини шакллантириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар

Маҳкамасининг 2017  
сонли қарори билан  
“Ўзбекистон  
сайловчиларининг  
рўйхатини  
юритиш  
билан тартиби  
тартиби  
билан



йил 15 августдаги 630-  
тасдиқланган  
Республикаси  
Ягона электрон  
шакллантириш ва  
тўғрисида” Низом  
солинган.

## Марказий сайлов комиссияси

Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Олий  
Мажлисининг палаталари томонидан **тўққиз нафар** аъзодан иборат



таркибда тузилади ва доимий асосда фаолият юритади. Марказий сайлов комиссиясининг **бир нафар** аъзоси Қорақалпоғистон Республикасининг вакили бўлади.

Марказий сайлов комиссиясининг аъзолари Қорақолпоғистон Республикаси Жўқори Кенгесининг, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг тавсиясига кўра Қонунчилик палатаси ҳамда Сенат томонидан сайланади.

Марказий сайлов комиссиясининг Раиси Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимномасига биноан комиссия аъзолари орасидан комиссия мажлисида сайланади.

Марказий сайлов комиссияси Раисининг ўринbosари ва комиссия котиби комиссия аъзолари орасидан комиссия мажлисида сайланади.

**Марказий сайлов комиссияси қўйидаги ваколатларга эга:**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, маҳаллий Кенгашлар депутатлари сайловини ўтказиш учун тузиладиган сайлов комиссиялари тизимида бошчилик қиласи, Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида Сайлов кодексининг ижроси устидан назоратни амалга оширади, унинг бир хил тарзда қўлланилишини таъминлайди;

сайлови юзасидан сайлов кампанияси бошланганлигини эълон қиласи;

сайлов комиссиялари фаолиятини услубий жиҳатдан таъминлашни амалга оширади, сайловни ташкил этиш масалалари юзасидан ўз ваколатлари доирасида қарорлар қабул қиласи, йўриқномалар ҳамда низомларни тасдиқлади, тушунтиришлар беради;

Сайлов жараёнини бошқаришнинг ахборот тизимини жорий этиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси сайловчиларининг ягона электрон рўйхатидан фойдаланиш фаолияти бўйича умумий раҳбарликни ва мувофиқлаштиришни амалга оширади;

сайловларни ўтказиш учун сайлов округларини тузади;

Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналари ҳузурида тузилган сайлов участкаларини тегишли округларга биритириш тўғрисидаги масалаларни ҳал этади;

сайловни ўтказиш бўйича округ сайлов комиссияларини тузади, шунингдек уларнинг жойлашган ери тўғрисидаги маълумотларни эълон қиласи;

сайлов комиссиялари таркибига ўзгартишлар киритиш тартибини белгилайди;

агар округ сайлов комиссияларининг қарорлари Сайлов кодексига зид бўлса, ушбу қарорларни мустақил равишда ёки Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг тақдимномасига биноан бекор қиласи;

чет давлатларнинг, халқаро ташкилотларнинг сайловдаги кузатувчиларига мандатлар беради;

сайловга тайёргарлик қўриш ҳамда уни ўтказишга доир харажатлар сметасини ишлаб чиқади ва тасдиқлади, пул маблағларини сайлов комиссияларига тақсимлайди, шу жумладан сиёсий партияларнинг сайловда иштирок этишини молиялаштириш учун тақсимлайди, сайлов

комиссияларининг бинолар, транспорт ва алоқа воситалари билан таъминланишини назорат қиласи, сайловни моддий-техник жиҳатдан таъминлашга доир бошқа масалаларни кўриб чиқади;

сиёсий партияларнинг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг кузатувчилари, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари, бошқа давлатларнинг, халқаро ташкилотларнинг кузатувчилари учун мандат намунасини белгилайди;

тақдим этилган хужжатлар асосида сиёсий партияларнинг сайловда иштирок этишига ижозат бериш тўғрисида қарор қабул қиласи;

Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар қўрсатган сиёсий партиялардан тегишли хужжатларни қабул қилиб олади;

Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларни рўйхатга олади, рўйхатга олинган номзодларнинг рўйхатлари ва улар ҳақидаги маълумотлар матбуотда эълон қилинишини ҳамда уларга гувоҳномалар берилишини ташкил этади;

номзодларнинг ишончли вакилларини рўйхатга олади ҳамда уларга гувоҳномалар беради;

номзодларга сайловда иштирок этиши учун тенг шароитларни таъминлайди;

Қонунчилик палатаси депутатлари, Сенат аъзолари ва маҳаллий Кенгашлар депутатлари сайловига доир сайлов бюллетенларининг, сайловчилар рўйхатларининг, имзо варақаларининг, сайлов комиссиялари баённомаларининг ҳамда бошқа хужжатларнинг, сайлов қутиларининг ва сайлов комиссиялари муҳрларининг намуналари ҳамда шаклларини, уларни сақлаш тартибини белгилайди;

сайлов бюллетенларини тайёрлаш ва сайлов участкаларига етказиш тартибини белгилайди;

сайлов комиссиялари, сиёсий партиялар, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, бошқа давлат органлари ҳамда жамоат бирлашмалари вакилларининг сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ масалалар юзасидан ахборотини эшитади;

сайловнинг якунларини чиқаради, Ўзбекистон Республикаси бўйича овоз беришнинг умумий натижаларини аниқлайди ҳамда овоз беришда иштирок этган сайловчилар сони, ҳар бир номзодни ёқлаб берилган овозлар сони тўғрисидаги хабарни матбуотда эълон қиласи;

Сайлов кодексида назарда тутилган ҳолларда, Қонунчилик палатаси, маҳаллий Кенгашлар депутатларининг ёки Сенат аъзоларининг сайловида такорий овоз бериш ва такорий сайлов ўтказилишини ташкил этади;

Қонунчилик палатаси депутатига ва Сенат аъзосига тегишинча Қонунчилик палатаси депутатининг ҳамда Сенат аъзосининг гувоҳномасини ва кўкрак нишонини беради;

сайловчиларнинг ва сайлов жараёни бошқа иштирокчиларининг мурожаатларини кўриб чиқади ҳамда улар юзасидан қарорлар қабул

қилади, бундан сайлов комиссияларининг ҳаракатлари ва қарорлари устидан берилган шикоятлар мустасно;

Сайлов кодекси талаблари бузилганлиги тўғрисидаги материалларни судга ёки хуқуқни муҳофаза қилувчи органларга топширади;

бошқа мамлакатларнинг сайлов органлари, халқаро ташкилотлар ва чет давлатларнинг вакиллари билан халқаро ҳамкорликни амалга оширади, учрашувлар ташкил этади, битимлар ва меморандумлар тузади;

хорижий мамлакатлардаги сайловларни кузатишда иштирок этади, шу жумладан халқаро ташкилотларнинг миссиялари таркибида иштирок этади;

халқаро ташкилотларни, чет давлатларнинг сайлов органларини ва вакилларини сайловларни кузатиш учун таклиф этади;

сайловни ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ ҳужжатларнинг идоравий архивларга топширилишини таъминлайди;

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг Регламентини тасдиқлайди;

жамоатчилик, оммавий ахборот воситалари билан алоқаларни мустаҳкамлайди ва ривожлантиради.

## Округ сайлов комиссиялари

Округ сайлов комиссияси тегишли худудий сайлов комиссияси томонидан сайловга камида етмиш кун қолганида комиссия раиси, раис ўринбосари, котибидан ва комиссиянинг олти — саккиз нафар бошқа аъзоларидан иборат таркибда тузилади.

Округ сайлов комиссияларининг аъзолари халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашларининг тавсиясига биноан тасдиқланади.

Округ сайлов комиссиясининг аъзолари жамоатчиликнинг обрў-эътиборли вакиллари орасидан тасдиқланади.

### Округ сайлов комиссияси ваколатлари :

тегишли худудда ушбу Кодекснинг ижроси устидан назоратни амалга оширади;

участка сайлов комиссияларининг фаолиятини мувофиқлаштиради; номзодларга сайлов кампаниясида иштирок этиш учун тенг шароитларни таъминлайди;

сайловчилар рўйхатларининг тузилишини ва ҳамма танишиб чиқиши учун тақдим этилишини кузатиб боради;

сайлов округи бўйича сайлов натижаларини аниқлайди ва уларни тегишли худудий сайлов комиссиясига тақдим этади;

такрорий сайлов, шунингдек бўшаб қолган ўринларга депутатлар сайлови ўтказилишини ташкил этади;

сайловчиларнинг ва сайлов жараёни бошқа иштирокчиларининг мурожаатларини кўриб чиқади ҳамда улар юзасидан қарорлар қабул қиласди, бундан сайлов комиссияларининг ҳаракатлари ва қарорлари устидан берилган шикоятлар мустасно.

## Участка сайлов комиссиялари

Участка сайлов комиссияси тегишли худудий сайлов комиссияси томонидан сайловга камида қирқ кун қолганида беш — ўн тўққиз нафар аъзодан, шу жумладан раис, раис ўринбосари ва котибдан иборат таркибда тузилади.

Агар комиссия етти нафаргача аъзодан иборат таркибда тузилса, раис ва котиб тасдиқланади.

Зарур бўлган ҳолларда, участка сайлов комиссиясининг сон таркиби белгиланган тартибда Марказий сайлов комиссияси томонидан ўзгартирилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналарида участка сайлов комиссияси раисининг вазифаларини ушбу ваколатхоналарнинг раҳбари амалга оширади.

Участка сайлов комиссияси аъзолигига номзодлар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар томонидан таклиф этилиб, бу номзодлар ҳалқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашларининг мажлисларида муҳокама қилинади ҳамда тегишли худудий сайлов комиссиясига тасдиқлаш учун тавсия этилади.

### **Участка сайлов комиссияси ваколатлари:**

Участка сайлов комиссияси:

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Конунчилик палатаси, маҳаллий Кенгашлар депутатлари сайловларига тайёргарлик қўриш ва уларни ўтказишни ташкил этади;

участка бўйича сайловчиларнинг рўйхатини аниқлайди ва тасдиқлайди;

сайловчиларни сайловчиларнинг рўйхати билан таниширади, рўйхатда йўл қўйилган хатолар ва ноаниқликлар тўғрисидаги аризаларни қабул қиласи ҳамда кўриб чиқади ва рўйхатга тегишли ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги масалани ҳал этади;



сайлов куни ўз яшаш жойида бўлиш ва овоз беришда иштирок этиш имкониятига эга бўлмаган сайловчилардан тўлдирилган сайлов бюллетенларини ёпиқ конвертларда қабул қилиб олади;

аҳолини сайлов куни ва овоз бериш жойи тўғрисида хабардор этади;

бинонинг яширин овоз бериш кабиналари ёки хоналари ва сайлов қутилари, шунингдек бошқа жиҳозлар билан тайёрлаб қўйилишини таъминлайди;

сайлов куни участкада овоз беришни ташкил этади;

овозларни санаб чиқади;

сайловчиларнинг ва сайлов жараёни бошқа иштирокчиларининг мурожаатларини кўриб чиқади ҳамда улар юзасидан қарорлар қабул қиласи.

## Сайлов жараёнининг иштирокчилари

Сайловчилар, кузатувчилар, номзодлар, сиёсий партиялар ва уларнинг ваколатли вакиллари, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари, ишончли вакиллар сайлов жараёнининг иштирокчилари ҳисобланади.

**Сайловчи** - Сайлов кунига қадар ёки сайлов куни ўн саккиз ёшга тўлган, сайлов участкаси ҳудудида доимий ёки вақтинча истиқомат қилаётган фуқародир.

**Кузатувчи** - Сиёсий партия, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек бошқа давлатлар ва халқаро ташкилотлар томонидан сайлов жараёнини кузатиш учун ваколат берилган шахсdir.

**Номзод** - Қонунчилик палатасига сайланиш ҳуқуқига сайлов куни йигирма беш ёшга тўлган ҳамда камида беш йил Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муқим яшаётган фуқаролар.

**Ишончли вакиллар** - Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод ўн нафарга қадар, вилоят Кенгаши депутатлигига номзод беш нафарга қадар, туман ва шаҳар Кенгаши депутатлигига номзод уч нафарга қадар ишончли вакилга эга бўлишга ҳақли, ишончли вакиллар номзодга сайлов кампаниясини ўтказишида ёрдам беради, сайлаш учун ташвиқот олиб боради, давлат органлари ва жамоат бирлашмалари, сайлов комиссиялари билан бўладиган муносабатларда номзоднинг манфаатларини ифодалайди.

**Сиёсий партияларнинг ваколатли вакили** - сайлов комиссиясининг мажлисларида, ҳужжатларни топширишда, имзо варақалари тўғри тўлдирилганлигини текширишда, сайлов участкасида овозларни санаб чиқишида иштирок этадиган Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар, маҳаллий Кенгашлар депутатлигига номзодлар кўрсатган сиёсий партиянинг вакили.

**Оммавий ахборот воситаситалари** - Оммавий ахборотни даврий тарқатишнинг доимий номга эга бўлган ҳамда босма тарзда (газеталар, журналлар, ахборотномалар, бюллетенлар ва бошқалар) ва (ёки) электрон тарзда (теле-, радио-, видео-, кинохроникал дастурлар, Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги веб-сайтлар) олти ойда камида бир марта нашр этиладиган ёки эфирга бериладиган, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда рўйхатга олинган шакли ҳамда оммавий ахборотни даврий тарқатишнинг бошқа шакллари.

Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексидан ташқари сайлов жараёнининг иштирокчилари фаолиятини тартибга соловчи Марказий сайлов комиссияси томонидан қабул қилинган қўйидаги ҳуқуқий ҳужжатлар мавжуд:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2019 йил 5 октябрдаги 951-сонли қарорига 1-илова “Сиёсий партиялар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан кузатувчилар тўғрисида” Низом;



2. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2019 йил 11 сентябрдаги 935-сонли қарорига 1-илова “Сиёсий партиянинг ваколатли вакили тўғрисида” Низом;

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2019 йил 5 октябрдаги 952-сонли қарорига илова “Сайлов компанияси

даврида оммавий ахборот воситалари вакилларини аккредитациядан ўтказиш тартиби тўғрисида” Низом;

4. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2019 йил 11 сентябрдаги 936-сонли қарорига 1-илова “Номзодларнинг ишончли вакиллари тўғрисида” Низом;

5. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2019 йил 11 сентябрдаги 933-сонли қарорига 1-илова “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси сайловида иштирок этиш учун сиёсий партиялар томонидан имзоларни тўплаш ва имзо варақалари тўғри тўлдирилганлигини текшириш тартиби тўғрисида” Низом;

6. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2019 йил 25 октябрдаги 969-сонли қарорига 1-илова “Ўзбекистон Республикаси Президенти, Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари депутатлари сайловларига тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиши молиялаштириш ҳамда маблағлардан фойдаланиш тартиби тўғрисида” Йўриқнома.

### Сайлов қонунчилигига киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларнинг мазмун-моҳияти

2023 йил 18 декабрь куни “Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун ҳужжатларига сайлов ва референдум ўтказиш тартибини янада такомиллаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-883-сонли Ўзбекистон Республикасининг Қонуни қабул қилинди.

Мазкур Қонун билан илк маротаба Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари сайловини **аралаш сайлов тизими (мажоритар ва пропорционал)** асосида ўтказиш бўйича янги тизим яратилди. **Янги сайлов тизимига мувофиқ, эндиликда...** Олий Мажлис Қонунчилик палатасига депутатлик ўрнининг **50 фоизи мажоритар**, яъни ҳозиргидек муайян округлар бўйича энг кўп овоз олган номзодлар сайланиши, қолган **50 фоизи эса пропорционал**, яъни аниқ бир шахсга эмас, балки партияга овоз бериш орқали, партиялар томонидан қўрсатилган рўйхат асосида номзодлар сайланиши назарда тутилди.

**Қонунчилик палатасининг 75 нафар депутати мажоритар сайлов тизими** асосида бир мандатли сайлов округларидан, қолган **75 нафари**

**пропорционал сайлов тизими (партиялар рўйхати)** асосида сиёсий партияларга берилган овозлар бўйича ягона сайлов округидан сайланади. Пропорционал сайлов тизими (**лот. proportio — нисбат, мутаносиблиқ**) - сайлов тизимларининг турларидан бири бўлиб, мажоритар сайлов тизимидан бир аср кейин вужудга келган. Пропорционал сайлов тизимида давлат **ягона сайлов округига** айлантирилади ҳамда сайлов бюллетенларида номзодлар ўрнига сайловда иштирок этаётган сиёсий партиялар рўйхати кўрсатилади ва сайловчилар ўзларига маъқул келган партияларга овоз беради.

Пропорционал сайлов тизими вакиллик органига ўз номзодларини кўрсатган партиялар ўртасида мандатларни тақсимлаш **улар олган овозлар сонига мувофиқ** амалга оширилишини билдиради.

Пропорционал сайлов тизимининг ижобий томонлари у фикрлар хилма-хиллиги ва қўппартиявийликнинг ривожланишини, шунингдек, давлат билан **фуқаролар ўртасидаги узвий алоқадорликни** таъминлаб беради; камчиликни ташкил этувчи сайловчиларнинг овозлари ҳам инобатга олинади ва унда кам **овоз олган сиёсий партиялар ҳам, парламентдан жой эгаллайди;** унинг ёрдамида жамият **сиёсий ҳаётидаги сиёсий кучларни жойлашишининг ҳақиқий ва аниқ манзараларини кўриш мумкин;** пропорционал вакиллик тизими ҳар бир сиёсий партияга овозлар сонига **мутаносиб равишда бир қанча ўринларни олиш имконини беради.**

Шунинг учун бу тизим сиёсий партиялар учун мажоритар тизимдан кўра адолатлироқ шароит яратади; сайловчилар сайланиш имконияти қўпроқ бўлган номзодларга эмас, балки сиёсий партияларнинг дастурлари асосида ўзлари ишонган партияга овоз беради; сайловчиларга сиёсий партияни танлаш имконини беради ва шу билан партияларнинг парламентдаги вакиллари таркибига таъсирини камайтиради.

**Пропорционал сайлов тизимини мажоритар сайлов тизимидан фарқи:**

**Мажоритар сайлов тизимида** сайловчилар шахсга овоз беради, яъни ўша округдан кўрсатилган бир нечта депутатликка номзодлардан бирини танлайди.

**Пропорционал сайлов тизимида** эса сайловчилар шахсларга эмас, партияларга овоз беради. Сайловдан сўнг, қайси партия қанча овоз олганига қараб, депутатлик ўринлари тақсимланади ва партиялар ўша ўринларга депутатлар рўйхатини ўзлари тасдиқлайди.

Масалан, қайсиdir партия сайловда 40% овоз олса, демак 75 та депутатлик ўрнининг 40 фоизини, яъни 30 нафар депутатни тасдиқлаш ҳуқуқини қўлга киритади. Ёки аксинча қайсиdir партия айтайлик жами 8% овоз олса, унда ўша партия 6 нафар депутат рўйхатини беради.

Мажоритар сайлов тизими **конкрет номзоднинг сайлов округида** сайловчиларнинг кўпчилик овозини олиши зарурлиги билан тавсифланади, яъни мажоритар сайлов тизимида қонун билан белгиланган кўп овозни олган номзод мазкур округ бўйича сайланган ҳисобланади.

Мажоритар сайлов тизимида кўп овоз олган номзод муайян округ бўйича сайланган ҳисобланади.

Сайловчилар бевосита номзоднинг шахсига эътибор беради, улар у билан танишади, унинг ўзи билан **мулоқотда бўлади ва фаолияти юзасидан** аниқ назорат ўтказа олади.

Бу жуда қулай ҳамда содда тизим бўлиб, бунда номзодларнинг нисбатан кўпроқ овоз олгани сайланган ҳисобланади.

**Мисол тариқасида айтиш мумкинки**, сайлов округида бешта номзод қатнашди дейлик. Натижада 1-номзод 35 %, 2-номзод 40%, 3-номзод 10%, 4-номзод 11%, 5-номзод 4% овоз олди. Шу ҳолатда 2-номзод сайланган, деб ҳисобланади.

3. Аralаш сайлов тизими тушунчаси ва унинг ўзига хос хусусиятлари.

Аralаш сайлов тизими моҳиятан **иккита тизимнинг бирикмаси** бўлиб, улар пропорционал ва мажоритардир. Бунда мандатларнинг бир қисми **пропорционал тизим бўйича (партиявий рўйхатлар бўйича)**, иккинчи қисми эса мажоритар тизим (номзодга овоз бериш) бўйича тақсимланади. Бу сайлов тизими бир қатор **мамлакатларда пропорционал ва мажоритар сайлов тизими** уйғунлигини ўзида акс эттирган сайлов тизимининг бир қўриниши ҳисобланади. **Аralаш сайлов тизими** мажоритар ва пропорционал сайлов тизимларида мавжуд камчиликларни (*масалан: мажоритар сайлов тизимида тақрорий овоз бериш ва уни молиявий таъминлаш зарурати, пропорционал сайлов тизимида бир партия сайловчиларнинг мутлақ кўпчилик овозини тўплай олмаса, ҳуқуматни шакллантириш учун у бошқа сиёсий партиялар билан коалиция тузишга мажбур бўлиши*) бартараф этиш билан бирга уларнинг афзал жиҳатларини ўзида намоён этади.

## Маъмурий суд томонидан ҳал этиладиган ишлар

Сайлов комиссияларининг қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлмаган, сайлов иштирокчиларининг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузадиган қарори ёки мансабдор шахсларининг ҳаракатлари(ҳаракатсизлиги) шикоят қилиш предмети бўлиши мумкин.

Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг умумий мазмунига қўра, ҳуқуқи бузилган шахс сайлов комиссиялари қарорлари ва уларнинг хатти-ҳаракатлари(ҳаракатсизлиги)устидан судга мурожаат қилиш ҳуқуқи кафолатланади. Яъни, манфаатдор шахсга сайлов комиссиялари қарорлари ва уларнинг хатти- ҳаракатлари(ҳаракатсизлиги)устидан шикоят қилишнинг суд тартиби таъминланади.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексига мувофиқ сайлов комиссиясининг хатти-ҳаракатлари(ҳаракатсизлиги), қарорлари устидан берилган шикоятларни туманлараро маъмурий судлари, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги), қарорлари устидан берилган шикоятларни эса Ўзбекистон Республикаси Олий суди кўриб чиқади.

Ушбу тоифадаги ишлар бўйича судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлган субъектлар бошқа тоифадаги маъмурий ишлар бўйича субъектлардан фарқланади.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси 46-моддасига асосан, бундай аризалар прокурор томонидан қўйида қайд этилган шахсларнинг манфаатларида берилиши мумкин.

Бунда,

сайловчи – сайловчилар рўйхатидаги хато ёки ноаниқликни тузатиш ҳақидаги мурожаатини 24 соат ичida кўриб чиқмаслик ёки асоссиз рад этиш, сайловчилар рўйхатига киритилмаганлик, нотўғри киритилганлик ёки рўйхатдан чиқарилганлик, олдинроқ овоз бериш ҳуқуқини амалга оширишга тўскинлик қилиш ёки ушбу ҳуқуқдан фойдаланиш ҳақидаги аризани кўриб чиқмаганлик ёхуд рад этганлик каби ҳолатлар юзасидан;

кузатувчи – тегишли комиссия томонидан мандат бериш рад этилганда, Сайлов кодексининг 33-моддасида белгиланган ҳуқуқларини

амалга оширишга тўсқинлиқ қилинганда, сайлов комиссиялари томонидан сайловни ўтказишида сайлов қонунчилигини бузишдан иборат бошқа ҳолларда ;

номзод – ўзининг бузилган ҳуқуқларини тиклаш юзасидан тегишли сайлов комиссиясига қилган мурожаат юзасидан олган жавобидан норози бўлиб, қонун бузилишларни бартараф этиш тўғрисидаги шикоятлар бўйича;

сиёсий партияларнинг органлари - сайловда қатнашишга ижозат бериш ҳақидаги аризани рад этганлик, тақдим этган номзодни рўйхатга олишдан бош тортганлик, тақдим этган номзодни номзодлик мақомидан маҳрум этиш ҳақидаги мурожаатини рад этганлик, номзодни номзодликдан чиқариш тўғрисидаги қарор устидан судга шикоят қилиши мумкин.

Юқорида кўрсатилган сайлов жараёнининг иштирокчилари ва ҳолатлар рўйхати тугал эмаслигини, сайловчи ва сайлов жараёнининг бошқа иштирокчилари қонунда белгиланган бошқа ҳаракатлари(ҳаракатсизлиги) ва қарорлар устидан ҳам ўзларининг бузилган ҳуқуқларини тиклаш мақсадида судларга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга эканлигини назарда тутиш лозим.

Сайлов комиссиясининг хатти-ҳаракатлари(ҳаракатсизлиги), қарорлари устидан судга шикоят қилинганда, шикоятда жавобгар сифатида сайлов комиссияси кўрсатилади.

Бироқ шикоятда жавобгар сифатида сайлов комиссияси эмас, балки унинг раиси ёки раис ўринbosари кўрсатилганлиги асосида шикоятни қабул қилишни рад этишга, иш юритишни тугатишга ёки ушбу асос билан аризани (шикоятни) рад этишга йўл қўйилмайди. Бу ҳолатда сайлов комиссияси жавобгар сифатида талқин этилади.

Ушбу тоифадаги ишларни кўришда сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган судларга шикоят билан мурожаат қилиш муддати қатъий бўлиб, уни тиклаш қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган.

Шунга қўра, мазкур тоифадаги муносабатларни тартибга солувчи қонун ҳужжатларида белгиланган судга шикоят билан мурожаат қилиш муддатининг ўтганлиги билдирилган талабни рад этиш учун асос бўлади.

Судга бериладиган ариза (шикоят) шакли ва мазмуни Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси 128-моддаси талабларига жавоб бериши керак.

Сайлов комиссиянинг хатти-ҳаракатларини қонунга хилоф деб топиш тўғрисидаги шикоятда Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси 128-моддасида назарда тутилган маълумотлардан ташқари:

1) шикоят қилинаётган хатти-ҳаракатларни содир этган шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исми, мансаби, у аъзо бўлган сайлов комиссиясининг номи (тартиб рақами);

2) шикоят қилинаётган хатти-ҳаракатлар нимада ифодаланиши, ҳаракатлар содир этилган сана, вақт ва жой;

3) шикоят берган шахснинг фикрига кўра, содир этилган хатти-ҳаракатлар билан бузилаётган ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатлари;

4) шикоят берган шахснинг фикрига кўра, содир этилган хатти-ҳаракатлар мувофиқ бўлмаган қонун ҳужжатлари;

5) шикоят берган шахснинг сайлов комиссиясининг хатти-ҳаракатларини қонунга хилоф деб топиш тўғрисидаги талаби ва ҳуқуқини тиклаш усули кўрсатилади.

Шунингдек, шикоятда шикоят берган шахснинг ёки унинг вакилининг, шунингдек бошқа тарафнинг телефонлари ва факс рақамлари, электрон манзили кўрсатилиши мумкин.

Шахсларнинг бузилган ҳуқуқларини қисқа муддатларда тиклаш орқали уларнинг сайловда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси билан кафолатланган ҳуқуқларидан эркин фойдаланишини таъминлаш мақсадида қонун ҳужжатларида ушбу тоифадаги шикоятларни кўриб чиқиш учун энг қисқа муддатлар белгиланган. Яъни, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси 142-моддасига мувофиқ сайлов комиссиясининг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан берилган шикоят суд томонидан шикоят берилган кундан эътиборан уч кундан кечитирмай кўриб чиқилиши, агар сайловга олти кундан кам вақт қолган бўлса, дарҳол кўриб чиқилиши лозим.

Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган мазкур процессуал муддатлар ишни кўраётган суд учун қатъий бўлиб, ушбу муддатларнинг узайтирилишига йўл қўйилмайди.

Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларида сайловга олти кундан кам вақт қолган бўлса, шикоят дарҳол кўриб чиқилиши шартлиги ҳақидаги қатъий норма ўрнатилганлиги сабабли, ушбу тоифадаги иш бўйича шикоят келиб тушганда у девонхона орқали дарҳол рўйхатдан ўтказилиб, судьянинг иш юритувига топширилиши лозим.

Шикоятни дарҳол кўриб чиқиш деганда, шикоят судга келиб тушган куннинг ўзидаёқ мазмунан кўрилиши тушунилади.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси 116-моддасига мувофиқ йиллар, ойлар ёки кунлар билан ҳисобланадиган процессуал муддатнинг ўтиши календарь сананинг эртасидан ёки унинг бошланиши белгилаб қўйилган воқеа содир бўлган кундан бошланади.

Йиллар, ойлар ва кунлар билан ҳисобланадиган процессуал муддатларга иш куни бўлмаган кунлар ҳам киради, қонун хужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Иш куни бўлмаган кунлар деганда, Ўзбекистон Республикасининг қонун хужжатларида белгиланган дам олиш кунлари (шанба ва якшанба) ва байрам (ишланмайдиган) кунлари тушунилади.

Бу тоифадаги ишларни кўриш хусусиятини эътиборга олган ҳолда дам олиш кунлари ҳам бундай ишларни кўришга йўл қуилади.

Бузилган ҳуқуқларни тиклаш ҳақидаги қарор сайлов кампанияси якунланганидан кейин қабул қилиниши, қабул қилинган қарорнинг ўз аҳамиятини йўқотишига ёки ижросини қийинлаштиришга сабаб бўлади. Шунга кўра судлар келиб тушган аризани расмийлаштиришда йўл қўйилган камчиликлар важи билан уни қайтармасдан, ариза берган шахсни бу ҳақда зудлик билан огоҳлантириши ва суд мажлиси бошлангунга қадар камчиликларни бартараф этиш чораларини кўриш ҳақида кўрсатма бериши лозим.

Ариза суд томонидан шикоят берган шахс ва тегишли сайлов комиссиясининг вакили, шунингдек прокурор ҳам чақиртирилган ҳолда кўриб чиқилади. Ишни кўриш вақти ва жойи тўғрисида белгиланган тартибда хабардор қилинган шахсларнинг келмаслиги ишни кўриб чиқишига тўсқинлик қилмайди.

Ишни кўриш натижалари бўйича қабул қилинган суд ҳужжати чиқарилиши биланоқ дарҳол тегишли сайлов комиссияси ва шикоят берган шахсга топширилади (юборилади).

Сайлов комиссиясининг қарорларини ҳақиқий эмас, хатти-ҳаракатларини қонунга хилоф деб топиш тўғрисидаги ишлар кўрилганда, ушбу қарорларнинг қабул қилинишига асос бўлган ҳолатларни ҳамда хатти-ҳаракатларнинг қонунга мувофиқлигини исботлаш мажбурияти уларни қабул қилган сайлов комиссияси зиммасига юклатилади.

Агар қарорни қабул қилган сайлов комиссияси унинг қабул қилинишига асос бўлган ҳолатларни, шунингдек қабул қилинган

қарорнинг ёки содир этилган хатти-ҳаракатларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқлигини, шикоят берган шахснинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслигини исботлай олмаса, талаб қаноатлантирилади.

Ўз навбатида, ариза берган шахс ҳам сайлов комиссиясининг қарори, хатти-ҳаракатлари унинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузаётганлигини асослаб бериши лозим.

Судлар мазкур тоифадаги ишларни ўз вақтида ва сифатли кўриб чиқилишини таъминлаш мақсадида ишни сайлов комиссияси жойлашган бинода сайёр суд мажлисида кўриб чиқиши мумкин.

Шикоятни кўриб чиқиш натижалари бўйича суд шикоятнинг асослилигини аниқласа, сайлов комиссиясининг қарорини ҳақиқий эмас, унинг хатти-ҳаракатларини қонунга хилоф деб топади ва сайлов комиссияси ёки комиссия раиси зиммасига қонунга мувофиқ қарор қабул қилиш ёки муайян ҳаракатларни амалга ошириш ёхуд аризачининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг бузилишларни бошқача усулда бартараф этиш; йўл қўйилган қонун бузилишларни бартараф этиш ва ҳал қилув қарорининг ижроси тўғрисида судга ва аризачига, агар суд томонидан бошқача муддат белгиланмаган бўлса, суднинг ҳал қилув қарори сайлов комиссиясига юборилиши билан унинг ижроси ҳақида дарҳол судга хабар қилиш мажбуриятларни юклайди.

## **Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиши тўғрисидаги кодексининг сайлов қонунчилигига оид нормаларидан кўчирма**

### **27-модда. Суд томонидан ҳал этиладиган ишлар**

Суд:

3) сайлов комиссияларининг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) юзасидан низолашиш тўғрисидаги;

### **30-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий суди судловига тегишли ишлар**

Ўзбекистон Республикаси Олий суди биринчи инстанция суди сифатида:

2) Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси хатти-ҳаракатлари (қарорлари) юзасидан низолашиш ҳақидаги ишларни кўриб чиқади.

## **142-модда. Сайлов комиссияларининг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан берилган шикоятларни кўриб чиқиш муддати ва тартиби**

Сайлов комиссиясининг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан берилган шикоят суд томонидан шикоят берилган кундан эътиборан уч кундан кечиктирмай кўриб чиқилиши, агар сайловга олти кундан кам вақт қолган бўлса, дархол кўриб чиқилиши лозим.

Шикоят суд томонидан аризачини ва тегишли сайлов комиссиясининг вакилини, шунингдек, прокурорни, агар шикоят аризачига эмас, балки бошқа фуқарога дахлдор бўлса, ўша шахсни ҳам чақирган ҳолда кўриб чиқилади. Бу шахсларнинг келмаслиги ишни кўриб чиқишга тўсқинлик қилмайди.

Суднинг ҳал қилув қарори чиқарилиши биланоқ дархол тегишли сайлов комиссиясига ва аризачига топширилади.

## **167-модда. Ҳал қилув қарорини ижротга қаратиш**

Ҳал қилув қарори у қонуний кучга кирганидан сўнг ижротга қаратилади.

Идоравий норматив-хуқуқий ҳужжат ва сайлов комиссияларининг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) юзасидан низолашиб тўғрисидаги ишларга доир ҳал қилув қарорлари дархол ижро этилиши лозим.

## **Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодексидан кўчирма**

### **14-модда. Марказий сайлов комиссиясининг ваколатлари**

Марказий сайлов комиссияси:

ушбу Кодекс талаблари бузилганлиги тўғрисидаги материалларни судга ёки хуқуқни муҳофаза қилувчи органларга топширади;

### **20-модда. Вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссиясининг ваколатлари**

Вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссияси:

ушбу Кодекс талаблари бузилганлиги тўғрисидаги материалларни судга ёки тегишли хуқуқни муҳофаза қилувчи органларга топширади;

### **30-модда. Сайловчиларнинг рўйхатлари хусусида баҳслашув**

Ҳар бир фуқаро сайловчиларнинг рўйхатларидаги хато ёки ноаниқлик тўғрисида участка сайлов комиссиясига арз қилиши мумкин. Участка сайлов комиссияси 24 соат ичida мурожаатни текшириши ва хатони ёки ноаниқликни бартараф этиши ёхуд мурожаат қилувчига унинг

мурожаати рад этилганлиги тўғрисида асослантирилган жавоб бериши шарт.

Участка сайлов комиссиясининг ҳаракатлари ва қарорлари устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

### **86-модда. Сенат аъзолари сайловининг якунлари устидан шикоят қилиш**

Қўшма мажлисларнинг, шунингдек Марказий сайлов комиссиясининг қарорлари устидан ушбу қарорлар қабул қилинган кундан эътиборан беш кун ичида Ўзбекистон Республикаси Олий судига шикоят қилиниши мумкин.

### **96-модда. Сайлов натижаларини белгилаш**

Сайлов давомида йўл қўйилган, овоз бериш якунларига таъсир қилган қоидабузарликлар сабабли сайлов умуман ёки айрим сайлов округлари бўйича ёхуд айрим сайлов участкалари бўйича ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин. Қонунчилик палатасига сайловни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги қарор Марказий сайлов комиссияси томонидан қабул қилинади ва сайлов якунлари эълон қилинган кундан эътиборан беш кун ичида бу қарор устидан Ўзбекистон Республикаси Олий судига шикоят қилиниши мумкин.

### **102-модда. Сайлов комиссияларининг қарорлари устидан тушган шикоятларни кўриб чиқиши**

Номзод кўрсатган сиёсий партиялар органлари, номзодлар, ишончли вакиллар, кузатувчилар ва сайловчилар сайлов комиссияларининг қарорлари устидан ушбу қарорлар қабул қилинганидан кейин беш кун ичида судга шикоят қилиши мумкин. Марказий сайлов комиссиясининг қарорлари устидан қарор қабул қилинганидан кейин беш кун ичида Ўзбекистон Республикаси Олий судига шикоят қилиниши мумкин. Шикоят келиб тушганидан кейин уч кун ичида, сайловга олти кундан кам вақт қолганида ёки овоз бериш куни эса дарҳол кўриб чиқилиши керак. Шикоят берган шахслар шикоятни кўриб чиқишида бевосита иштирок этиш хуқуқига эга.